

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2008 йил, 23 октябрь, пайшанба

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети академик лицейи ўқувчиларининг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси аъзолари билан учрашуви самимий мулоқотлар билан кечди.

● Хоразмда узунлиги 1 километрдан ортиқ, эни 24 метр бўлган, 6 қаторли автомобиль ҳаракати мос кўприк қурилиши бошланди. У Урганч шаҳрига яқин Чолиш манзилгоҳи ва Қорақалпоғистоннинг Бегovat шаҳри яқинида бунёд этилмоқда. Кўприк қурилишида ҳозирда 300 нафардан зиёд кўприксоғлар қизғин меҳнат қилишмоқда. Мазкур ишнинг 2010 йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда.

● Фарғона шаҳрида «Фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида Интернет ва кутубхона-ахборот ресурсларидан фойдаланиш» мавзуда халқаро анжуман бошланди. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда юртимиздаги ахборот-кутубхона марказлари раҳбарлари ҳамда Россия, АҚШ, Германия, Қозғистон, Қирғизистондан келган соҳа вакиллари қатнашмоқда.

● «Қамолот» ЁИХ Марғилон шаҳар кенгашида йиғит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишчанлик ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, миллий ҳунармандчиликда азалий қадриятларимизни сақлаб қолиш мақсадида «Ёш ҳунарманд» ресурс маркази фаолият кўрсата бошлади. Марказда 1442 нафар уста-ҳунарманд 1027 ўсимга «Уста-шоғирд» тизими асосида касб сирларини ўргатмоқда.

● Бухоро туманидаги «Бухоро баҳор» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси импорт ўрнини босувчи кир ювиш кукунини сотувга чиқара бошлади. Яқинда иш бошлаган корхона замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда кунага 20 тоннагача сифатли маҳсулот тайёрланмоқда.

● Бухородаги «Ўқтам КО» фирмаси ташаббуси билан қарийб 400 тоннага яқин кўй жуни Москвадаги ҳамкорларга сотилди. Тўқимачилик саноатида зарур бўлган хом ашёни фирма жамоаси минтақадаги қоракўлчилик билан шуғулланувчи фермерлар ва маҳаллий аҳолидан харид қилмоқда. Фақатгина Россиянинг ўзига «Ўқтам КО» фирмаси томонидан 160 минг долларлик маҳсулот етказиб берилди.

ЖАҲОНДА

● Аргентина Президенти Кристина Фернандес мамлакатдаги ўнта хусусий нафақа ташкилотини давлат ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги қонун лойиҳасига имзо чекди. Мазкур қонун кучга киргач, ҳукумат 30 миллиард АҚШ долларидан иборат инвестиция устидан назоратни қўлга олади.

● Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу Европа парламентида Европа Иттифоқида юз бераётган иқтисодий тангликни бартараф этиш бўйича ўз таклифларини баён этди. Баррозу Франция Президенти Никола Саркози илгари сурган евро қамраб олган ҳудуднинг ягона иқтисодий ҳамжамиятини тузиш режасига қарши чиқди.

● Хиндистон Ойга PSLV-C11 ракета ташувчиси ёрдамида ўзининг илк илмий-тадқиқот космик аппаратини учирди ва Осиёда учинчи, жаҳонда эса олтинчи Ойни забт этган мамлакат рўйхатидан ўрин олди. Режага кўра икки йил давомида космик аппарат ёрдамида Ой юзасининг харитасини тузиш ва унинг ресурсларини ўрганиш ишлари амалга оширилади.

● Франция Президенти Никола Саркозининг таклифи мувофиқ шу йилнинг 15 ноябрида катта саккизлик мамлакатлари раҳбарларининг саммити ўтказилиб, унда жаҳонда рўй бераётган глобал молиявий инқироздан чиқиб кетиш масалалари муҳокама қилинади. Саммитда жами 20 мамлакат раҳбарлари қатнашиши кўзда тутилмоқда.

● Ботсвананинг собиқ Президенти Фестус Могае тараққиёт ва барқарорлик йўлида кўрсатган хизматлари учун Мо Иброҳим мукофоти билан тақдирланди. Бу билан Ботсвананинг собиқ раҳбари 5 миллион АҚШ долларли мукофоридаги мукофот пули ҳамда умрбод 200 минг долларлик нафақани қўлга киритди. Мо Иброҳим мукофоти дунёнинг яқна шахсга тақдим этилувчи энг йирик мукофоти бўлиб, унга африкалик тадбиркор Мо Иброҳим асос солган.

● Жаҳон миллиардерлари қаторига кирувчи Роман Абрамович Чукотка автоном округи Думасининг раиси этиб сайланди. Сайлов чоғида Абрамович номзодини депутатлар бир овоздан қўллаб-қувватлади.

● Никарагуада рўй берган сув тошқини натижасида камидан 17 киши ҳалок бўлди, 11 мингдан ортиқ аҳоли ҳафсиз ҳудудларга кўчирилди. Офат содир бўлган ҳудудда кейинги кунларда тўхтамаётган жала оқибатида 18 та вилоятдан 11 таси сув остида қолди.

САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 22 ОКТЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ВАЗИРИ, «ДУБАЙ ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ РАИСИ МУҲАММАД АБДУЛЛА АЛ-ҚАРҚОВИЙНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимиздаги ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганини таъкидлади.

— Биз жадал ривожланаётган икки томонлама муносабатларни юксак кадрларимиз, — деди Ислам Каримов. — Ўзбекистон делегациясининг жорий йил март ойида Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди. Ташриф доирасида эришилган келишувларни амалга ошириш борасида улкан ишлар бажаришмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг Бирлашган Араб Амирликларига сафари натижалари ўзаро муносабатларни янада юқори поғонага олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Сафар асосида хавфсизлик, сайёҳлик, экология, илм-фан, қимматли қوغозлар бозори соҳаларида, шунингдек, сармоявий, савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорликка доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташриф чоғида Ислам Каримов Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан ҳам учрашиб, Ўзбекистон-Дубай му-

носабатларига доир кенг кўламли масалаларни муҳокама қилди. Жумладан, ушбу музокарада «Дубай холдинг» компанияси билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовийнинг мамлакатимизга жорий йил июнь ойидаги ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси билан «Дубай холдинг» компанияси ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган келишиб олинган эди. Унинг бу галги ташрифи асосида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Ўзбекистон Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси билан «Дубай холдинг» ўртасида «Ўзмиратхолдинг» қўшма сармоявий компаниясини тузиш тўғрисида битим имзоланиши билан бу ҳамкорлик амалий тус олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум шарафлигида тузиладиган бу компаниянинг низоми жамғармаси 1,25 миллиард АҚШ долларидан иборат бўлиб, унинг 80 фоизи «Дубай холдинг», 20 фоизи Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси томонидан ажратилди. Янги компаниянинг қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашади. «Ўз-

миратхолдинг»нинг асосий мақсадлари мамлакатимизда ва хорижда сармоя соҳасида фаолият кўрсатиш, Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хориж сармояси жалб этишга кўмаклашишдан иборат. Унинг ташкил этилиши иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир улкан самараси бўлди.

2007 йилда Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 93,1 миллион АҚШ доллари ташкил этди. Юртимизда Бирлашган Араб Амирликлари сармоядорлари билан ҳамкорликда етмишдан зиёд қўшма корхона тузилган. Улар озиқ-овқат, электроника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, транспорт хизмати кўрсатиш соҳаларида фаолият юритади.

Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовий самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўламини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ВАЗИРИ, «ДУБАЙ ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ РАИСИ МУҲАММАД АБДУЛЛА АЛ-ҚАРҚОВИЙНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ ДОИРАСИДА 22 ОКТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТИКЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ЖАМҒАРМАСИ БИЛАН «ДУБАЙ ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ЎРТАСИДА «ЎЗМИРАТХОЛДИНГ» ҚЎШМА САРМОЯВИЙ КОМПАНИЯСINI ТУЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ ИМЗОЛАНДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум шарафлигида тузиладиган ушбу компания юртимизда ва хорижда сармоя соҳасида фаолият юритади, мамлакатимизга тўғридан-тўғри чет эл сармоясини жалб этишга кўмаклашади. «Ўзмиратхолдинг» низоми жамғармаси 1,25 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиб, саксон фоизи «Дубай холдинг», йигирма фоизи эса

Ўзбекистон Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси томонидан ажратилади. Янги компаниянинг бош қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашади.

Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги муносабатлар қўллаб-қувватлаш жадал тараққиётга эришди. Мамлакатимизда Бирлашган Араб Амирликлари сармоядорлари иштирокида етмишдан зиёд қўшма корхона тузилган. Ушбу мамлакатнинг йигирмадан ортиқ компанияси юртимизда ўз ваколатонасини очган. Улар савдо,

озик-овқат, электроника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан 2006 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси фаолияти иқтисодий тармоқларини модернизациялаш ва техник қайта таъмирлаш каби лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган. Ҳозирги кунда мазкур жамғарма нефть-газ, кимё, электр-энергетика каби соҳаларда сармоя-

вий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, у кўплаб хорижий молиявий муассасалар билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётир.

«Дубай холдинг» Бирлашган Араб Амирликларидан энг йирик компаниялардандир. Ушбу холдинг юқори технологиялар, телекоммуникациялар, энергетика, саноат, қўшма мулк, молия ва сайёҳлик каби соҳаларда иш юритувчи етти йирик компанияни ўз ичига олган.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маддани кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи - ойига 28 040 сўм; ёшга доир пенсиялар - ойига 55 550 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нуллини) разряд - ойига 28 040 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 55 550 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 33 645 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилидиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларини ошириш билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджетига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ҳужайи ҳисобидидаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ


Тошкент шаҳри,
2008 йил 22 октябрь

СУРАТЛАРДА АКС ЭТГАН ҲАЙРАТ

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНАЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ВА ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИ ҲАМКОРЛИГИДА ТОШКЕНТНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «TASHKENTALE - 2008» ХАЛҚАРО ФОТОБИЕННАЛЛЕСИ РАНГ-БАРАНГ КЎРГАЗМАЛАР, ИЧОДИЙ МУЛОҚОТЛАР, АНЖУМАНЛАР, МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ, УЧРАШУВЛАРГА БОЙ БЎЛМОҚДА.

Ижодкорлари тасвирга олган саксондан зиёд ранг-баранг фотосурат билан танишиш мумкин. Мазкур кўргазмада Рустам Шарипов, Виталий Мясников, Раҳмонбек Исломов каби ўзбекистонлик фотоусталарнинг ижодий ишлари ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Шу кунги пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Навирон авлод камолоти» мавзусида фотокўргазма очилди. Бу ерда турли давлатлар фото ижодкорларининг ёшлар тафаккури, дунёқараши, орзу-интилошлари, уй-ҳаёлларига оид ижодий ишлари билан танишиш мумкин. Кўргазмада намойиш этилаётган фотосуратлар қамровининг кенглиги ва турли-туманлиги томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекис-



тонлик Камолжон Бобоевнинг «Устозлар», «Ойижон», канадалик Лиса Ховарднинг «Авлодлар», покистонлик Суҳайл Шаҳзоднинг «Она ва бола» фотосарлари шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қасқа сатрларда

● **ЭРТАГА «ЭКОСАН»** халқаро ташкилотидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат санитария назорати тўғрисидаги Қонунининг амалиётига бағишланган жамоат эшитувлари» мавзусида тадбир бўлиб ўтади.

● **БУГУН** шаҳримизда Буюк Ипак йўли мамлакатларида ўзаро ҳамкорлик ва алоқаларни ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро анжуман уюштирилди.

● **КЕЧА** шаҳримизнинг фаол ёшлари ишти-

рокида Тошкент Фотосуратлар уйида Ёшлар йилга бағишлаб тадбир ўтказилди.

● **КЕЧА** Тошкент маданият карвонсаройида хорижий муассарлар томонидан яратилган расмлар кўргазмаси намойиш этилди.

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги 35-мактабга ча таълим муассасасида ўзбек тилига Давлат тили макоми берилганлигининг 19 йиллигига бағишлаб «Она тилим — жону дилим» мавзусида ўтказилган тадбирда кичкинтойлар, тарбиячилар, ота-оналар иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



Ўзбекистон Давлат санъат музейида ташкил этилган фотокўргазманинг очилишида санъат ихлосмандлари, фотоижодкорлар, талаба-ёшлар, турли жамоат ва халқаро ташкилотлар, юртимиздаги элчионалар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси ўринбосари Равшан Миртожиев, Миср Араб Республикасининг юртимиздаги Факулда ва мухтор элчиси Нодия Иброҳим Каффефий, Исроил давлатининг юртимиздаги Факулда ва мухтор элчиси Хилель Ньоман жаҳоннинг турли давлатларидан ижодкорлар иштирок этаётган «TashkentALE-2008» фотобиенналлеси йирик халқаро кўргазма эканини таъкидладилар.

«Шарқ санъати, анъаналари, фалсафаси» мавзусига бағишланган фотокўргазмада Хитой, Вьетнам, Япония, Саудия Арабистони каби мамлакатларнинг Мандили Султон Аднан, Жианг Хуа Синг, Ким Манх каби мохир фото-

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида мустақамлаб кўйилгандек, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Асосий қонунда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояси давлатнинг энг муҳим мажбуриятларидан бири сифатида белгилаб кўйилган.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи юздан ортиқ янги қонунлар қабул қилиниб, кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар яратилди, йилдан-йилга давлатимизнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти тақомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 60 дан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилди, БМТ ва ЕХТ доирасида қабул қилинган муҳим халқаро шартномаларни амалга ошириш зарурияти юзасидан келиб чиқадиган ишларни рўйга чиқармоқда.

Инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини инсон ҳаётининг турли соҳаларини, яъни шахсий, маънавий, иқтисодий, иқтисодий, маънавий жабҳаларини қамраб олиб, бу борадаги ҳуқуқларни таъминлаб беради. Фуқароларнинг ҳуқуқлари роя қилиш ва уларнинг таъминлиниши давлат ва маҳаллий органлар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан амалга ошириб борилади. Инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳал этилмаган муаммолар ҳар бир минтақада ва ҳар бир алоҳида олинган мамлакатда мавжуд бўлиб, уни фақат турли давлат ва фуқаролик институтларининг биргаликдаги ҳамкорлигини кучайтириш йўли орқали ҳал этишга эришиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида ва унга рияз этилиши устидан назорат механизмидан ташкил этилиши стандартларини ишлаб чиқишда халқаро ҳамжамият катта тажрибага эга. Уларнинг таъминлинишига кафолат бўлиб, давлат, унинг номидан эса ҳокимият ва бошқарув органлари ҳамда мансабдор шахслар чиқади.

Халқаро микёсда инсон ҳуқуқлари ҳимояси БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон ҳуқуқлари оид халқаро пактларда ўз ифодасини топади. Биринчи навбатда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қайд қилиш лозим. БМТ Бош Ассамблеяси ушбу ҳужжатни 1948 йил 10 декабрда қабул қилиб, уни барча халқлар ва барча давлатлар бажаришига интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилди. Бундан мундано шунки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига қўмқолашиши, миллий ва халқаро тараққиётлар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминлинишига, ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ва ушбу давлатларнинг юрисдик-

циясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олиншига эришиш зарур. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон ўзининг мустақиллигини эълон қилганидан сўнг бир ойдан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳужжат ҳисобланади.

Мустақил давлатимиз ўз эрки, ҳурлигини қўлга киритиб, ўзи танлаб олган ислохотлар, тўб ўзгаришлар, жамиятни янгилаш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан бормоқда. Халқимиз учун мустақилликнинг ўтган йиллари сермазмун воқеаларга бой бўлиб, авваламбор бу давр мобайнида миллий давлатчилигимизнинг пойдеворини шаклланди.

Ўзбекистонда халқаро шартномаларнинг меъёрлари, агар давлат ички қонунлари ва меъёрлари уларга зид келадиган бўлса, давлат ички қонунлари нормаларига нисбатан устувор эканлиги белгилаб қўйилган. Халқаро шартнома билан миллий қонун ўртасида зиддият аниқланган тақдирда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қонунда эмас, балки халқаро шартномада ёзилган нормаларга амал қилишлари лозим. Учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий принциплар ва нормаларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши эътироф этилди. Судлар ва бошқа давлат муассасалари тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга бевоқифа амал қилишга ҳақлидир.

ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Бу билан Ўзбекистонда шахснинг ҳуқуқий мақоми халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ Конституция ва миллий қонун ҳужжатлари асосида белгиланади.

Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар тизими шаклланди. Конституция ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ва бошқа халқаро битимларда мустақамлаб қўйилган халқаро нормалар ва андозалар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқларнинг қонунларининг ўзаги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари оид юздан ортиқ қонунлар қабул қилинган. Айни пайтда мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари оид қўллаб-қўлланган халқаро шартнома ва конвенцияларга қўшилган. Улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этади ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг фаолияти, уларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқа жиҳатларини ҳам тартибга солади.

Асосий Қомусимизда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиши таъкидлаб, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг қуйидаги бешта тамойилни кўрсатиб берди: **Биринчи** — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизминини таъминлаш; **Иккинчи** — инсон ҳуқуқлари оид миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормаларига асосида тақомиллаштириш; **Учинчи** — қонунларга оғишмай амал қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш; **Тўртинчи** — суд ислохотларини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш ва **Бешинчи** — аҳоли, айниқса ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш.

Мазкур беш тамойил мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида асосий дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Юқорида қайд этилганидек, ҳозирги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари оид қонунчилик тизими шаклланди. Эндликда амалдаги қонунларнинг ижросини реал таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айнан мана шу муҳим ва долзарб муаммоларни ечимини инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг самарали фаолиятига боғлиқдир.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
ТДЮИ акад. факультети, юридик
фанлари доктори.

СУРАТЛАРДА АКС ЭТГАН ХАЙРАТ

(Давоми.Боши 1-бетда).
Озарбойжонлик Агдес Багирзоданинг ишлари салкам етти йилдан буён нафақат ўз юртидаги, балки хоржий журналларда ҳам мунтазам эълон қилинмоқда. Унинг туркум ишлари 2005 йили пойтахтимизда ўтган халқаро фотокўргазмада ҳам намоиш этилган эди. Бу йилги Тошкент халқаро кўргазмасида Агдес «Болалик» ҳамда «Жиссиёт ва тафаккур» мавзусидаги ижодий ишлари билан қатнашмоқда.

— «TashkentALE-2008» юксак савияда, кўтаринки руҳда ташкил этилган, — дейди А.Багирзода. — Кўргазма учун жуда юқори профессионал даражадаги, бадиий мукамал ишлар танлаб олингани киши эътиборини тортади. Тошкент нафақат янги ва замонавий бинолар, балки қадимий меъморий обидалари билан ҳам машхур. Уларни фотокамерага тушириш, шу асосида туркум ишлар яратиш ниятдадир.

Шундай фотокўргазма Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройида ҳам ташкил этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОНГА ХАВАСИМ КЕЛДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН IV ХАЛҚАРО «TASHKENTALE-2008» ХАЛҚАРО ФОТОБИЕННАЛЕСИДА РОССИЯ, ХИТОЙ, ЯПОНИЯ, ГЕРМАНИЯ, ИТАЛИЯ, БУЮК БРИТАНИЯ, КАНАДА, ВЕНГРИЯ, ИСРОИЛ, ВЬЕТНАМ ВА ПОКИСТОН КАБИ ЙИГИРМАДАН ЗИЁД МАМЛАКАТДАН ЮЗГА ЯҚИН ИЖОДКОР, САЪНАТШУНОС ОЛИМ ВА МУТАХАССИС ИШТИРОК ЭТМОҚДА. ЎЗА МУХБИРИ УЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИ БИЛАН СУЎБАТДА БЎЛДИ.

Лиза ХОРВАТ (Канада):
— Юксак савияда ташкил этилган ушбу халқаро фотобиенналеда нафақат ўз асарларим билан иштирок этиш, балки турли мамлакатлардан келган ҳамкасбларимнинг ижод намуналари билан танишиш имконига эга бўлаётганимдан гоят мамнунман. Юртингизда ижодкорлар учун яратилган кенг ва қулай шарт-шароит, ажойиб муҳитга хавасим келди. Ўзбекистонлик ёшлар яратган кўзни қамаштирувчи фотосарларни кўриб, уларнинг улкан қобилият соҳиб эканига амин бўлдим. Зеро, Ўзбекистонда бундай истеъдодли ёшлар етишиб чиқаётгани мамлакатингизнинг келажоғи нақадар порлоқ эканидан далолатдир.

Янош ЭЙФЕРТ (Венгрия):
— Мазкур халқаро фотобиеннале катта маънавий воқеа бўлиб, дунёнинг турли мамлакатларидан келган фотобиенналеда бир-бирининг ижоди билан танишиш, ўзаро фикр алмашиш учун кенг имконият яратди. Кўргазмада ўзбекистонлик ҳамкасбларимнинг ижоди билан танишишга муяссар бўлдим. Уларнинг асарлари чуқур мазмун ва моҳияти билан киши диққатини ўзига жалб этади.

Юртингизда ижодкорларга ғамхўрлик кўрсатилаётгани, эркин ижод учун кенг имкониятлар очиб берилгани уларни ўз маҳоратини янада оширишга ундайди, илҳомлантиради. Ўзбекистонда бундай йирик халқаро тадбирларнинг ўтказилиши фото саънати усталарининг истеъдод ва изланишларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Наюки ОГИНО (Япония):
— Янги ғоялар уйғониши учун сабаб бўлгучи мазкур халқаро фотобиеннале юқори савияда ташкил этилгани билан ҳам диққатга сазовордир. Кўргазмада ўттизга яқин ижодий ишим билан қатнашяпман. Асарларимда япон халқи урф-одатлари ва миллий қадриятларини акс эттиришга ҳаракат қилдим.

Мен қўлаб мамлакатларда ўтказилган фотокўргазмаларда иштирок этганман. Бирок бундай гўзал ва бетакрор кўргазма залларини, маданият уйлариини ҳам учратганман. Ўзбекистон ижод аҳли ижод қилиш учун яратилган шарт-шароит ва қулайликлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

ЎЗА мухбири
Ирода УМАРОВА
ёзиб олди.

Маънавият

САЙЁҲЛАРГА ТУҲФА

«ШАРҚНИНГ ОЛТИН КИТОБИ» ДЕГАН ТУРКУМИДА БОСМАГА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ТЎПЛАМЛАР БИР НЕЧА ТИЛДА ТАҚДИМ ЭТИЛМОҚДА.

«СМИ-Азия» компанияси «Санъат ва фан» наشريёти билан ҳамкорликда чоп этаётган китоблар чет эллик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда. «Зафарнома» асарининг рус тилидаги наشري шу туркумдан ўрин олган дастлабки йирик китоб бўлди. Али Яздынинг бу асари улғу Сохибқирон Амир Темур фаолиятига бағишланган бўлиб, «Капитал-банк» сайёҳаракати билан босма юзини кўрди.

ОИЛА — МУҚАДДАС КЎРҒОН

«МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ — ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ» ДЕБ НОМЛАНГАН ТЎПЛАМ ЧОП ЭТИЛДИ.

Профессор Ойша Тўраеванинг ушбу китоби умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касбухона коллежлари учун мўлжалланган бўлиб, ёшлар маънавий тарбиясининг муҳим қирралари бағишланган. Нашрдаги «Оила — муқаддас кўрғон», «Йигит кишига 40 хунар ҳам оз» каби боблар айниқса катта қизиқиш билан ўқилади.

Дилноза БОЗОРОВА

(ЎЗА)

Кизил Ярим Ой жамияти фаолиятдан ИШТИРОКЧИЛАР ФАОЛЛИК КЎРСАТИШДИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИАТИ «ЁШЛАР БЎЛИМИ»НИНГ ХАЙРЛИ АНЪАНАСИГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН ВОЛОНТЁРЛАР ОРОМҒОҲИ БУ ЙИЛ ҲАМ НАВБАТДАГИ «ВОЛОНТЁР-2008» НОМИДАГИ ТАДБИРИНИ КЕНГ КЎЛАМДА ЎТҚАЗДИ.

Мазкур йилгилиш Навоий шахрининг «Кизилкуммент» заводи қошидаги «Шабона» оромгоҳида бўлиб ўтди. Шаҳар шоқин-суронларидан анча йироқ бўлган, сўлим, баҳоқор қир-адирлар орасида жойлашган оромгоҳ иштирокчилар қайфиятини янада кўтарди.

«Волонтер-2008» оромгоҳи қатнашчиларини Ўзбекистон Кизил Ярим Ой жамияти Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши «Ёшлар бўлими» координаторлари ва фаол волонтерлари ташкил этди.

Оромгоҳ дастурига мувофиқ ёшларга ҚЯОЖнинг фаолияти ва мақсади ҳақида умумий тушунчалар берилди. Ёшлар ўртасида жамиятнинг турли йўналишида урғаниш мумкин бўлган муаммоларни ўрганиш ва уни ечим бўйича лойиҳа тузиш (PRA) дастури алоҳида мавзу сифатида ўргатилди. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида ОИТС ва гиввандликнинг олдини олиш, биринчи ердан кўрсатиш ва турли юқумли касалликларнинг асоратлари ҳақида интерактив сўхбатлар ўтказилди.

Бешинчи кун ўрганилган назарий билимлар амалда синалди, яъни, турли вазиятларга тушиб қолган инсонлар ролин волонтерлар маҳорат билан ижро этилди. Айниқса, биринчи ердан кўрсатиш вақтида кўп волонтерлар ўзларини худди реал ҳаётдагидек туттишти. Волонтерлар ичида энг кичиги 15, энг каттаси 36 ёшда бўлсада, улар ҳам худди бошқа волонтерлар каби тенгдош сифатида «Энг фаол волонтерлар» каторидан жой олдилар.

Оромгоҳнинг очилиш маросими қанчалик чиройли ўтган бўлса, унинг ёпилиши ҳам шу кайфият ва қувонч билан уюштирилди. Тадбир бошида бир-бири учун нотаниш бўлган волонтер йигит-қизлар, оромгоҳ сўнгги хайрлашув кунида бир умрлик кадрдондек хайрлашдилар ва ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустақамлашга сўз бердилар.

Оромгоҳ дастури кун тартибига қўйилган семинар-тренинглар, интерактив ўйинлар, маданий кўнгилочар дастурлар кўнгилли ёшларнинг жамиятга бўлган қизиқишини янада оширишга ўз хосинини қўшди.

«Волонтер-2008» оромгоҳининг яна бир ютуғи республикамизнинг турли вилоятларидан келган ёшлар бир мақсад сари, биргаликда, ҳамжамиятликда бир оила сифатида иш олиб бораганигадир бўлди.

Жамият фаолиятининг янада ривожланиши, ёшларнинг билим савиясини ва жамиятга бўлган қизиқишини орттириш мақсадида уюштирилган «Волонтерлар» оромгоҳи ўз иш фаолиятини келгусида бундан-да кучли даражада олиб боришига ишонимиз.

Назокат ДАДАЖАНОВА,
Ўзбекистон ҚЯОЖ Тошкент шаҳар кенгаши
«Ёшлар билан ишлаш бўлими» координатори

ГЕРМАНИЯДА «USBKISTAN HEUTE»НИНГ ЯНГИ СОНИ БОСМАДАН ЧИҚДИ

ГЕРМАНИЯДА «USBKISTAN HEUTE» («БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН») ЖУРНАЛИНИНГ СЕНТЯБРЬ ОЙИ СОНИ БОСМАДАН ЧИҚДИ. БЕРЛИНДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЧИХОНАСИНИНГ УШБУ НАШРИ МАМЛАКАТИМИЗДА ТУРЛИ СОҲАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ВА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР БИЛАН НЕМИС ЖАМОАТЧИЛИГИНИ ЯҚИНДАН ТАНИШТИРИБ БОРИШ МАҚСАДИДА ЖОРИЙ ЙИЛ ИШИ ОЙИДАН БОШЛАБ НЕМИС ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛИБ КЕЛИНАДИ.

Журналнинг мазкур сониди юртимизнинг бугунги ҳаёти ва бой тарихий ўтмиши тўғрисида хикоя қилувчи турли хабар ва мақолалар ўрин олган бўлиб, бош мавзу рункидан Ўзбекистонда кафолатланган виждон ва эътиқод эркинлиги тўғрисидаги мақола жой олди. Унда мустақилликдан сўнг юртимизда диний эркинлик муҳитининг яратилиши, фуқароларнинг виждон ва эътиқод эркинлигини кафолатлаш борасида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, мамлакатда динлараро ва миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик маданияти янада мустақамланганлиги атрофича қаламга олинган.

«Ўзбекистон: мустақилликнинг 17 йили» мақоласида тараққиётнинг 17 йили мобайнида жамиятимиз ҳаётини турли жабҳаларида эришилган ютуқлар борасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ўз ифодасини топган. Ушбу сонда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси делегациясининг «Ўзбекистон-ЕИ» Ҳамкорлик Кенгаши 8-йигилишидаги иштироки якунларига оид (Брюссель, 16 сентябрь 2008 йил) матбуот хабари ҳам чоп этилган. Унда мазкур учрашув юртимизнинг Европа Иттифоқи билан икки томонлама муносабатларини янада мустақамлаш ва кенгайтириш йўлидаги наватдаги муҳим кадам бўлган алоҳида таъкидланди.

«Ўзбекистон Республикаси худудидаги муқаддас зиёратгоҳ, табарруқ қадамжолар, зиё маскани бўлган мадрасалар тўғрисида хикоя қилинади. «Иқтисодий» рункидаги «Ўзбекистон Республикасида хоржий сармоялар» мақола мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестициялари жалб этилаётгани ва уларнинг самарали натижалари тўғрисида сўз боради.

УНИВЕРСИТЕТДАГИ УЧРАШУВ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА «ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУНГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛЛАТ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ, РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРБИТОВ МАРКАЗИ, ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РУС МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Тадбирда Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Мухаммадиев, Ўзбекистондаги Рус маданияти маркази раиси С.Герасимова, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори А.Исмоилов ва бошқалар Президентининг Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, ёшларни ўзгилмишга, миллий аҳнава ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Бу борадаги ишлар мамлакатимизнинг давлат тили — ўзбек тилини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш, унинг имкониятларидан кенг фойдаланишга қаратилган эзгу ишларда ҳам ўзининг эркин ифодасини топмоқда.

Ўзбек тили давлат тили мақоми олган 1989 йилдан буён унинг маънави юксалди. Бу борадаги хайрли ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Жумладан, Республика Байналмилал маданият маркази бир қатор олий ўқув юрталари, миллий маданият марказлари билан биргаликда, ўзбек тилини ўрганишга йўналтирилган маърифий лойиҳалар, виқториналар, илмий анжуманлар, дара сўхбатлари, махсус ўқув курсларини ташкил этмоқда.

«Хавфсизликни таъминлаш йўлидаги ҳамкорлик» мақоласида Ўзбекистон Президентининг шу йил 5 сентябрь кун Москвада бўлиб ўтган Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилоти (ОДКБ) саммитидаги иштироки хусусида хикоя қилинади. Шунингдек, «Франция делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи», «Ўзбекистон Озарбойжон: ҳамкорликнинг янги босқичи» мақолалари ҳам ушбу нашр саҳифаларидан ўрин олган.

«Элчихона ҳаётининг» рункида эса мамлакатимизнинг Берлиндаги дипломатия ваколатхонаси томонидан муҳим йўналишда ГФРда ўтказилган қатор тадбирларга оид хабарлар ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш жоизки, «Usbekistan heute» журнали ўқувчилари сафига Германия сиёсий-иқтисодий, иқтисодий, илмий-маданий доиралари ҳамда бу ердаги хоржий дипломатия корпуси вакиллари ҳам кирган.

Ш.УМИРОВ
«Жаҳон» АА
Берлин шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ ИЗЧИЛ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МУАЙЯН ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.


ЁШЛАР ҲУҚУҚИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Тошкент педиатрия тиббиёт институтини ҳузуридаги Юнусобод академик лицейида ўтган учрашувда мутахассислар ўқувчиларга инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати мажмуи бўлган Конституциямиз ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти ҳақида атрофича тушуنча бердилар. Мазкур ҳужжатларда ёшлар масаласига алоҳида ўрин ажратилгани, улар учун мамлакатимизда қулай, ўқиб, эркин касб танлаш бора-сида зарур ҳуқуқий шарт-шароит яратилгани алоҳида қайд этилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жамоат ташкилотлари ва маҳаллалар фаоллари иштирок этган тадбирда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

(ЎЗА)

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК



Шифо масканларида

САЛОМАТЛИК ҚАЛЪАСИ МЕЪМОРЛАРИ

САЛОМАТЛИК ШУНДАЙ БИР ҚАЛЪАКИ, У ИНСОННИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ, ҲАЁТ ОСОЙИШТАЛИГИНИ ВА КЎНГИЛ ХОТИРЖАМЛИГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ КЕЛАДИ. БУ ҚАЛЪА ДЕВОРЛАРИ БИР-БИРИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ ҒИШЧАЛАРДАН ТАРКИБ ТОПГАНКИ, УЛАРДАН БИРОТРАСНИНГ ЕМИРИЛИШИ БУТУН ҚАЛЪА МУСТАҲКАМЛИГИГА ПУТУР ЕТКАЗАДИ. ЗЕРО, «ТИББИЁТ ОТАСИ» — ГИПОКРАТ ҲАМ «ТАНА, АГАР УНИНГ БИР АЪЗОСИ ХАСТА БЎЛСА, ТУГАЛ СОҒЛОМ БЎЛА ОЛМАЙДИ», — ДЕЯ ЭЪТИРОФ ЕТАНДИ. БУ ҚАЛЪАНИНГ БУС-БУТУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЭСА, САЛОМАТЛИК МЕЪМОРЛАРИ — ШИФОКОРЛАР КАМАРБАСТАДИРЛАР.

Ана шундай шифокорлардан бири, тиббиёт фанлари номзода, Нью-Йорк Фанлар академияси аъзоси, 20 йиллик тажрибага эга юқори малакали мутахассис Дилмурод Иргашев Тошкент шаҳрида жaxon андозалари асосида тиббий клиника очганда айнан шу мақсадларни, яъни беморларни комплекс тарзда даволаш ва бир жойини ўзида аҳолига барча турдаги тиббий хизматларни кўрсатиш имкониятини яратишни кўзда тутган эди.

— 1993-94 йилларда Германия шифохоналаридан бирида навбатдаги малака ошириш жараёнида бўлганимда юртимизда ҳам ана шундай даволаш-профилактика муассасасини очиб, унинг қўламини мунтазам кенгайтириб бориш фикри уйғонди, — дейди «Doctor-D» клиникаси директори Дилмурод Иргашев. — Клиниканинг асосий мақсади мижозларга Европа стандартларига мос сифатли тиббий хизматлар кўрсатишдан иборат бўлиши ва унда мижоз муаммолари комплекс тарзда ҳал этилиши лозим, деган тўхтамаг келдим. Зеро аксарият касалликларни даволашда турли йўналишдаги шифокорларнинг биргаликда ишлаши орқалигина кўп қилган натижага эришиш мумкин.

Айтиш кераки, юртимизга қайтган шифокор ўз ниятларини рўйбга чиқаришга маҳкам бел боғлади ва тез орада Тошкент шаҳрининг марказида — Себзор даҳасидаги сўлим гўшда «Doctor-D» госпитали ишга тушди. «Doctor-D» госпитали — Тошкентда энг замонавий кенг қўламли клиникалардан бўлиб, бу ерда аниқ ташхис қўйиш ва ҳар бир мижоз учун оптимал бўлган шаклда даволаш режасини белгилашга устувор аҳамият қаратилади. Бугунги кунда госпиталда поликлиника, ўндан ошқ бўлимлар, лабораториялар ва тез ёрдам хизмати ишлаб турибди. Поликлиника ҳар кун, дам олиш ва байрам кунларисиз, аҳоли хизматида. У ерда мижозлар тиббиётнинг барча соҳалари бўйича бирламчи текширувдан ўтадилар, улар учун зарур даволаш курслари белгиланади, шунингдек, операциядан кейинги ва тикланиш давридаги даволаш муолажалари олиб борилади. Поликлиникада мижоз шахси ва даволаниш жараёни юз фойиз сир тутилиши кафолатланади.

Терапия бўлими мутахассислари мижоз-

ларга ҳам стационар, ҳам поликлиника шариоитида, агар зарур бўлса, беморнинг уйига бориб ҳам даволаш ва маслаҳат хизматларини кўрсатишга тайёрлар. Бўлимда мижозлар умумий текширувдан ўтадилар — малакали терапевтлар эндокрин тизимдаги, нафас олиш йўллари, овқат ҳазм қилиш, сийдик йўллари, юрак қон-томир тизимлари ва бошқа аъзолардаги хасталикларни тезкорлик билан аниқлаб, беморни тегишли мутахассисга йўллайдилар.

Кардиология бўлимида юракнинг ишемик касаллиги, юрак қон-томир тизими фаолиятининг бузилиши, юрак уришининг бузи-

ларни аниқлаш мумкин) ва компьютер спирометрияси (нафас олиш аъзоларидаги турли касалликларни аниқлаш имконини беради) ёрдамида ҳам ташхислар қўйилади, бу эса, хасталикларни вақтида аниқлаш ва бартараф қилишга хизмат қилади.

Уйку лабораториясида уйкусузлик, уйкунинг бузилиши, хуррак отиш кабилардан азият чеккан инсонлар чўқур ва муқаммал тиббий текширувдан ўтадилар ва самарали даволандилар. Баъзида кўпгина хасталиклар, хусусан асаб касалликларининг бош сабабчиси уйкусузлик ёки уйкунинг бузилиши бўлади. Шу боис лаборатория шифокорлари ҳар бир беморнинг ҳолатини чўқур таҳлил қилиб, комплекс даволаш муолажаларини амалга оширадilar.

Нейрофизиологик бўлим фаолияти асаб касалликларига ўраган беморларни замонавий тиббий технологиялар асосида комплекс тарзда даволашдан иборат бўлиб, бу ерда марказий асаб тизимини электрофизиологик текшириш, электроэнцефалография, психологик тестлар ва ультратовушли текширувлар асосида алоҳида ишлаб чиқилган режа бўйича малакали даволаш муолажалари олиб борилади.

Бундан ташқари, клиникада операция ва ренимация бўлими малакари ҳам мавжуд. Бу бўлимлардаги Drager, Nichon Kinden, Karl Storz, Wolf, Philips каби етакчи фирма ва компанияларнинг энг замонавий техникалари операцияларни нафақат очик услубда, балки ёпиқ (эндоскопик) услубда ҳам амалга ошириш имконини беради.

Урология бўлимининг юксак малака ва тажрибага эга мутахассислари барча урологик хасталикларни аниқлаш, даволаш ва олдини олишнинг етакчи технологиялари ёрдамида эркаклардаги бепуштлиқ, простатит каби касалликларни тезда аниқлайдилар ва самарали даволайдилар.

Гинекология йўналиши урология билан бир қаторда, шифохона фаолиятининг бош тармоқларидан саналади. Бу бўлимда фақат юқори малакали шифокорлар жамланган. Бўлимда мавжуд экспресс-лаборатория аниқ ва тезкор текширув ўтказиш имкони-

ни беради ва бу ўз навбатида, даволашнинг самарали бўлишини кафолатлайди. Бўлимда аёллар касалликларининг барча турлари, аёллар жинсий аъзолари патологиялари даволанади. Шунингдек, хотин-қизлар бўлим мутахассисларидан репродуктив саломатликларини мустаҳкамлашга оид зарур маслаҳатлар олиш имконига эгалар.

Репродукция бўлими — «Doctor-D» клиникасининг фахри саналади. Зеро бу ерда мижозларга инсон ҳаётининг мазмуни бўлмиш фарзанд бахтига эришишга кўмак берадилар. Шу кунга қадар ушбу бўлим остонасини хатлаб ўтган минглаб оилалар бугунги кунда ўз фарзандларини бағриларига босиб, шифокорлардан миннатдор бўлмоқдалар.

Айтиш кераки, клиникадаги замонавий технологиялар аёллар бепуштлигини даволашга қўламли, шу даврга қадар илоҳисиз ҳисобланган эркаклар бепуштлигини ҳам даволаш имкониятини яратмоқда.

Тиббиётнинг ушбу тармоғи ўзининг хусусиятига кўра жуда жиддий ва нозик саналиб, ҳар бир мижозга индивидуал ёндашуви талаб этади. Шу сабабли клиника мижозлар шахси ва даволаниши юзасидан қатъий мафийликнинг таъминланганини кафолатлайди. «Мана, неча йиллардан буён «Doctor-D» клиникаси аҳоли эътиборида бўлиб келмоқда. Бунинг боиси клиникада энг замонавий тиббий техникалар ўрнатилгани ва замонавий даволаш технологиялари жорий қилинганигина эмас. Балки, биринчи навбатда, бу ерда юртимизнинг энг малакали ва тажрибали шифокорлари жамлангани, даволаш жараёнининг жaxon андозалари даражасида олиб борилиши ва сифати кафолатланганлиги аҳоли ишончини қозонишнинг бош сабабидир.

— Мутахассисларнинг малакаси ва замонавий технологиялар юқори стандартлардаги тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради, — дейди клиника директори Дилмурод Иргашев. — Бу билан биз халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш ишига кўлдан келганча ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Бу йўлда, авваламбор ўз устимизда ишлаш, маҳоратимизни ошириб бориш, мижозларимиз учун янада қўлай шарт-шароитлар яратишга катта эътибор бераёلمиз. Мақсадимиз — шифохонамизга келган ҳар бир беморни дарддан фориғ этишдир.

Дилмурод ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Doctor-D» клиникаси фаолиятдан лавҳалар.

Тиббиёт

ТРАКТОРСОЗЛАР СОҒЛИҒИНИ КЎЗЛАБ

ШАҲРИМИЗДАГИ ҚАТОР ШИФОХОНАЛАР БИНОЛАРИНИ ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. «ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ ТИББИЁТ-САНИТАРИЯ ҚИСМИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШГА ҲАМ КИРИШИЛДИ.

Республика нейрожаррохлик илмий марказига қарашли мазкур саломатлик маскани янги қиёфа касб этгач, бу ерда даволаш ишларини илгор тажрибалар бўйича олиб бориш имкони туғилади. Шу билан бирга шифохонада нейрожаррохлик муолажаси ҳам кенг йўлга қўйилади.

ЗАМОНАВИЙ ГЛЮКОМЕТР АППАРАТИ

«МЕДИЛИФЕ-ФАРМА» ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ ҚЎШМА ҚОРҲОНАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ТИББИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР ЎЗИНИНГ АЪЛО СИФАТИ БИЛАН ХАРИДОРГИР БЎЛИБ ҚОЛДИ.

Бу ерда тайёрланган «Соттеллит» глюкометр аппарати янги турдаги тиббий асбоб-ускуна сифатида эътироф қилинди.

Бундай замонавий қуролма ёрдамида беморлар, қолаверса барча инсонлар қонидаги қанд миқдорини тезкор аниқлаш мумкин. Шу боис «Соттеллит» глюкометри тезкор лаборатория текширувида кенг қўлланилмоқда.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ТАЙЁРЛАНГАН

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ «ЎЗТИБТЕХНИКА» АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МОДИЙ-ТЕХНИКА НЕГИЗИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ. ЭНДИЛИҚДА КОРХОНА ИХТИЁРИДА «ХУНДАЙ» РУСУМЛИ ШОШИЛИНЧ ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ ҲАМ БОР.

Жанубий Кореядан олиб келинган бу транспорт воситалари мураккаб жаррохлик муолажаларини олиб боришда жуда қўл келади.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

ИЖТИМОЙ ТАШАББУСЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ РЕСПУБЛИКА ЖАМИЯТИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА ҲАЛИ КЎП БЎЛГАНЧИЛА ЙЎҚ. ШУ ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА У НУФУЗЛИ ТАШАББУСКОР МУАССАСА СИФАТИДА ҚАТОР ЙИРИК ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА УЛГУРДИ.

Жамғарма томонидан уюштирилган навбатдаги халқаро конференция эса «Ўзбекистон Республикасида соғлом оналик ва болаликни тарғиб этиш соҳасидаги ижтимоий ташаббуслар» деган мавзуга бағишланди.

«Соғлом она — соғлом фарзанд» лойиҳаси доирасида ўтказилган бу анжуманда тиббиёт тизимида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кейинги бир йил ичида эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинди ҳамда навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯ

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИНИНГ АНГИОГРАФИЯ БЎЛИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЖАРРОХЛИК ТЕЗКОР УСУЛДА БАЖАРИЛГАНЛИГИ БИЛАН ЭЪТИБОРНИ ЎЗИГА ТОРТИДИ.

Бемор ўткир миокард инфаркти ташхиси билан ётқизилган эди. Унинг ўнг ва чап тож томирларида тортишчи ҳолати аниқланди.

Қирқ беш дақиқа давом этган бу муолажада тортилган томирлар кенгайтирилиб, қон айланиш тизими тўла ишга тушди. Бунда бўлимга ўрнатилган «Филипс» русумли ангиография аппаратурасидан фойдаланилди.

БИЛИМ ВА КЎНИКМА

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН НАРКОЛОГИК ЁРДАМНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ КЎРИЛДИ. ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА ҲАМ ТАЪЛИМИЙ ЖАРАЁНЛАР ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида уюштирилган ўқув машғулотларига шифокор-наркологлар, психотерапевтлар ҳам жалб этилиб, амбулатор ва стационар реабилитацияси бўйича бой тажриба орттирилади.

Акбар АЛИЕВ

Дастур ва ижро

СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол ҳақда жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар таянч маскани бир қатор тадбирларни ўтказиб келмоқда.

Жумладан жамғарма томонидан ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, ичкиликбозлик, гивандликнинг олдини олиш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга доир мутахассислар билан биргаликда ўтказилган даяра суҳбатлари, учрашувлардан ёшлар керакли маълумотларга эга бўлиб, ўзларига тегишли ҳулоса чиқармоқдалар. Яқинда мазкур жамғарма ҳамда Республика Скрининг маркази ҳамкорлигида Сергели туманидаги Молия ва иктисодиёт коллежида «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун тўлма ва ирсий касалликларни барқарор аниқлаш Давлат дастури» ижросини таъминлаш ва талаба ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида учрашув ўтказилди.

Тадбирда жамғарманинг шаҳар таянч маскани раҳбари Махбуба Махамбоева ва оилада тиббий маданиятни оширишга доир «Тижжа касаллиқларидан қандай сақланиш мумкин?», «Қамқонликнинг олдини олиш» ва Республика Скрининг маркази бош шифокори Мадина Шарипова «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун тўлма ва ирсий касалликларни барқарор аниқлаш Давлат дастури» туғрисида, «Йод таъқислигининг олдини олиш профилактикаси ҳақида», «Гедон Рихтер» компанияси вакили Гулнора Шарипова «Шахсий гигиена асослари» ва «Усимлик — балогат даври ўзгаришлари», «Утир юкүмли касалликлар» ҳақида кенг маълумот бериб, талабалар билан ушбу мавзуларда суҳбат ўтказдилар.

— Мана шундай тадбирларни ўтказишдан қўзланган бўлиб, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси шаҳар таянч маскани раҳбари М.Махамбоева, — аҳолини, айниқса ёшларни «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш

учун тўлма ва ирсий касалликларни барқарор аниқлаш Давлат дастури» билан таништириш, йод таъқислигининг олдини олиш профилактикаси, қариқдошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини — соғлом оилани шакллантириш, ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш, болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш, никоҳдан ўтувчи ёшларни тиббий-қўриқ билан қамраб олиш, гивандлик, ичкиликбозлик, СПИДнинг олдини олиш асосларини шакллантириш борасида ёшларда тушунча, кўникма ҳосил қилиш учун семинар, суҳбатлар ўтказиш ш мавзуларга доир буклет ва қўлланмалар тарқатишдан иборат. Уйлайманки, бундай суҳбатлар, учрашувлар ёшларнинг соғлом ва баркамол, маънан етук инсон бўлиб вояга етишларида, муҳим аҳамият касб этади.

Гулнора ШОКИРОВА

КУЗ ФАСЛИ БЕЖИЗГА ОЛТИН КУЗ ДЕБ АТАЛМАЙДИ. УШБУ ФАСЛ АЙНИ ПИШИҚЧИЛИК ФАСЛИ, БУ ФАСЛНИНГ БУНДАЙ АТАЛИШНИНГ ЯНА БИР САБАБИ БАРЧА ЎСИМЛИКЛАР АСТА-СЕКИН САРИҚ ТУСГА КИРИШИДИР. КУЗ ФАСЛИ КЕЛИШИ БИЛАН АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАР КЎПЛАЙДИ. МАЪЛУМКИ, БАҲОР ОЙИДА АЛЛЕРГИЯНИНГ КУЧАЙИШИНИ ЯҲШИ БИЛАМИЗ. БУ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ГУЛЛАШИ БИЛАН БОҒЛИҚ. ЛЕКИН КУЗ ОЙИДА ҲАМ АЛЛЕРГИК ХАСТАЛИКЛАРНИНГ КУЧАЙИШИ ВА КЎПАЙИШИГА САБАБ НИМА?

Шифокор маслаҳати

АЛЛЕРГИК ХАСТАЛИКЛАРГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

Ушбу касалликни келтириб чиқарувчи омилларга авваламбор экологиянинг ёмонлашуви, атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги сабабчидир. Аллергик хасталиклар нафақат бизнинг мамлакатда, балки бутун дунёда жадал сурьатда кўп сайин кўпайиб бормоқда, бунинг асосий сабаблари — ташқи муҳитнинг ифлосланиши, ҳаётда химиявий моддаларнинг кўп ишлатилиши, дори-дармонларни кўп ва пала-партиш истеъмол қилиш, одамлар иммунитетининг пасайиши ва болаларни сунъий озиклантиришдир. Дори аллергияси асосан кишида кўпайса, ёзда овқат аллергияси, кунда эса нафас йўллари аллергияси кўпайди. Нафас йўллари аллергияси ҳақида шуни айтмоқчиликки, бунда нафас аллергиясига аллергия ринит, аллергия бронхит ва бронхит астма киради. Бу касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари кунда асосан гуллайдиган ўсимликлар гулининг чанги (шўра, шувок) билан боғлиқдир. Касаллик ҳар йили мавсумий келиб, асосан август, сентябрь, октябрь ойларида кўпайди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш керак, нафас йўл аллергиясига чалинган беморларда юқори нафас йўллари сизгирилиги низохтада ошган бўлади. Бўлимизда кейинги йилларда оғир бронхит астма хуружи билан ётқизилган беморларда асосий сабаб — барг, хазонларни ёқиш натижасида ҳосил бўлган тўтунлардир. Бу эса беморларда кўз қичиши, ёшланиши, бурун битиб аксиритилар, томоқ қичишиб йўтал, нафас сиқлаши хуружларини келтириб чиқармоқда.

Бронхит астмага учраган беморларнинг асосий қисми бронхоспазмни очик мақсадда турли

хил портатив ингальаторлардан фойдаландилар (астмапент, вентолин, салбутамол ва ҳ.к.), тўтун туфайли нафас сиқлаши хуружи кузатилганда беморлар бу ингальаторлардан нафас йўлини очиш учун жуда кўп мартабта фойдалана бошлайдилар (8-12 мартабта) бу эса беморларнинг нафас сиқлаши янада кучайтириб, юрак фаолиятини ҳам издан чиқаради, яъни бронхит астмага юрак астма қўшилиши мумкин ва бундай беморлар оғир астматик ҳолатга тушиб, шифохонага ётқизилади. Энг ачинарлиси охириги йилларда болалар орасида ҳам нафас йўли аллергиясига кўпаймоқда ва куз ойларида булар хазонлар тўтунидан азоб чекмоқдалар. Маълумки, хазонлар ёниши натижасида ундан чиқадиган тўтун таркибидаги захарли моддалар инсон саломатлигига ёмон таъсир кўрсатиб турли касалликларни (яъни аллергия ва рак касаллигини) келтириб чиқаради.

Биз биламизки, албатта аллергия хасталикларнинг профилактикаси — бу атроф-муҳитни тоза сақлашдир. Айниқса чиқиндилар, барг ва хазонларни ёқмасдан уларни йиғиб шаҳар ташқарисида жойлашган махсус жойларга ўз вақтида чиқариб ташлаш керак. Яна шуни ҳам таъкидлаш керак, аллергия касаллиги юкүмли эмас, лекин наслдан наслга ўтиши мумкин. Шу боис биринчи ўринда бемор албатта аллергияро назоратидан ўтиши керак, ўз вақтида даволаниши, баданини чиқиндилар, тоза сувда чўмилиб, тоза ҳавода сайр қилиши зарур.

Мунис МУХСИНОВ, 1-шаҳар клиник шифохонаси кошидида Аллергология бўлими бошлиғи

Оз-оз ўртаниб домо бўлар...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҲИҚМАТЛАР (Ғазаллардан)

Кўчар энгил висол пайтида севги,
Бироқ ҳижронда онинг ҳоли ночор.

Жомий, оча кўрма лабни ҳар суҳбатда,
Нодонга асар рамзу киноят қилмас.

Ишқи йўқ оламда одам бўлмасин.

Ҳар машаққат сўнгидан албатта
роҳат келгуси.

Етмоғинг мумкин муродга
бўлмаса ҳам тулпоринг,
Хоҳи отлик, хоҳ пиёда юр
чўлу саҳрода ҳам.

Ҳар садафда жой олмайди яхши дурдона.

Аё шоҳо, раият зўр ҳазина,
Зару сим унда мўл пинҳону зоҳир.
Талар эрса раиятни амалдор,
Кўлин кес, ул ҳазина ўгрисидир.

Қайси фарзанд фазлу ҳунарсиз бўлиб,
Отадан лоф урса, одамдан йироқ.
Меваги дарахтнинг мевасиз шоҳи
Ўтиндан бошқага ярамас мутлоқ.

Ўзингдан ақли паст бирла ҳамсуҳбат
Бўлмагил, оқиллар йиғмас паст сўзин.
Ақлироққа ҳам кўп шилқим бўлма,
У ҳам баландроққа тиккандир кўзин.

«СИЛСИЛАТ УЗ-ЗАҲАБ»- ДАН

(Васфий таржимаси)

Қолдирай десанг жаҳонда яхши ном,
Яхшилиқ қил, яхшилиқ қилгил мудом.

Куйгуси оташда доим ҳар
ҳасадчининг тани,
Шунчаки шодон яшар,
аммо ҳасад ўз душмани.

Шум ҳасадчи дастидан инсон
кўрар чандон зарар,
Кўрмагай ўтин оловдан
бунчалик обдон зарар.

Кимки жоҳиллик билан
Ойнинг юзига қилса туф,
Ё ўчирмоқчи бўлиб юлдуз
чароғин этса пуф.

Ўз тупуги ўзига қайтиб, юзини булғатур
Шул тупуги чўғлари-ла жисму
жони ўртанур.

Бўлса тарози агар ул осмон,
Палласига ою куёш бир томон.
Палласининг ул бирига сўзни гар,
Салмоғини билмоқ учун кўйсалар.
Ою куёш палласи энгил кўчар,
Лекин у сўз палласи огир келар.

Дилни пок этмай туриб,
покизалиқ қилма ҳавас.

Поку нопок дил нишони бўлгуси
сўздан аён,

Чунки дилда ҳарна бўлса тил
этар они баён.
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жа-
моаси газета тарқатиш цехи смена бошлиғи
Эргаш ШОКИРОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзо-
лари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Олий ўқув юртларида

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА — ТАЛАБАЛАР

ТОШКЕНТ КИМ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИДА ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙЛАРИДА
ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ТОЛИБИ ИЛМЛАР ЎРТАСИДА МИНИ-ФУТБОЛ ВА
ВОЛЕЙБОЛ БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

Институт жисмоний тарбия кафедраси ташаб-
буси билан уюштирилган турнирда органик ва
ноорганик кимё, менежмент ва озиқ-овқат са-
ноати факультети талабалари ўз куч-маҳорат-
ларини кўрсатиб, галаба учун кураш олиб бо-
ришди.

Таъкидлаш жоизки, спорт мусобақалари
дўстона руҳда, қизиқарли лаҳзаларга бой тар-
зда ўтди. Мухлислар эса ўз факультетлари жа-
моаларини қизгин кўлаб-қувватладилар.

Финал баҳсларидан сўнг ғолибларнинг ном-
лари маълум бўлди. Жумладан, мини-футбол
бўйича ўтказилган турнирда ноорганик модда-

лар технологияси факультети талабалари ғолиб
чиққан бўлса, органик кимё ҳамда озиқ-овқат
саноати соҳасининг бўлгуси мутахассислари
иккинчи ва учинчи ўринларини соҳибларига
айланишди.

Волейболда эса аксинча бўлди. Яъни озиқ-
овқат саноати, ноорганик моддалар техноло-
гияси ҳамда менежмент факультетлари тала-
балари дастлабки учта ўринларни эгаллашди.

Ғолибларга қимматбахо совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.
Алексей Попов олган суратлар



«2008 йил ўйинлари:

ҒАЛАБАЛАРИМИЗ ЛАЗЗАТИ!»

ПОЙТАХТДАГИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА «2008 ЙИЛ ЎЙИНЛАРИ: ҒАЛАБАЛАРИМИЗ
ЛАЗЗАТИ!» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО ФОТО КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ.

«Thomson Reuters» халқаро
ахборот агентлиги ҳомийлик
қилган кўргазма бундан аввал
Москва, Киев ҳамда Минск
шаҳарларида ўтказилган эди.
Тошкентдаги кўргазма эса
Ўзбекистон Миллий Олимпия
қўмитаси ҳамда «Ўздунробит-
та» компанияси томонидан
ташқил этилди.

Кўргазманинг очилиш маро-
симига «Пекин-2008» олимпиа-
дада ўйинларида иштирок этиб
кумуш медал соҳиби бўлган
Абдулла Тангриев ҳамда Ека-
терина Хилько таклиф этилди.
Сўзга чиққанлар «2008 йил
ўйинлари: Ғалабаларимиз
лаззати!» кўргазмаси Ўзбе-
кистоннинг маданий ва жамо-
атчилик ҳаётида аҳамиятли
воқеа бўлиши билан бирга
МДХ давлатларининг олимпия
спортчиларининг ютуқларини
қувватлаш учун ташқил этила-
ётганини алоҳида таъкидлаб

ўтишди. Шунингдек, ёшлар
ўртасида спорт ва соғлом тур-
муш тарзини тарғибот этишда
бу каби кўргазмалар аҳамият-
ли бўлиши тилга олинди.

—Кўргазмадаги фотосурат-
ларни томоша қилган ёшлар
спорт турларига қизиқишлари
ва меҳрлари ортиб бориши та-
биий албатта, — деди «Пекин-
2008» олимпиада ўйинлари-
нинг кумуш медал соҳиби Аб-
дулла Тангриев. — Ёшлар ораси-
да спортни ривожлантириш,
тарғиб қилиш йўлида бундай
кўргазмаларни ташқил этили-
шининг аҳамияти бекиёсдир.
Мазкур кўргазма ҳам ёшлар-
имизнинг спортнинг кўлаб
турлари билан профессионал
даражада шугулланишларига
туртки бўлади деган умидда-
ман.

Кўргазма экспозицияси 150
фотосуратдан иборат бўлиб,
улар Reuters агентлигининг

етақчи фотосуратчилари томо-
нидан Пекинда бўлиб ўтган
2008 йил Олимпия ўйинлари
давомида суратга олинган.
Фотосуратларда ўз давлатла-
рининг шарафини ҳимоя қил-
ган спортчилар мавжуд. Улар
орасида олимпиада ўйинлари-
да олти медални кўлга ки-
ритган ўзбекистонлик спорт-
чиларнинг суратлари ҳам то-
мошабин эътиборига ҳавола
этилмоқда. Кўргазмадаги су-
ратларда Олимпия майдонла-
рида бўлган энг қизиқ ва
эътиборни жалб этувчи дақи-
қалар ҳам кўрсатилганки,
улар томошабинларда катта
қизиқиш уйғотмоқда.

Тошкентда давом этаётган
кўргазма йигирма бешинчи ок-
тябрга қадар давом этади. 29-
31 октябрда эса Самарқанд-
даги Регистон майдонидаги
Ўзбекистон тарихи музейида
бўлиб ўтади.

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

24 ОКТАБРЬ, ЖУМА

Бугун бошлаб кўйган ишларингизни ниҳоясига еткази-
шингиз мумкин, аммо бирор янги ишга қўл уриш тавсия
этилмайди — мунажжимлар фикри шундай. Ҳар қандай
ишни шошмасдан, хотиржам бажариш керак. Буларнинг
сабаби куннинг рамзи Тошбака экани билан боғлиқ. Унинг
қандай ҳаракат қилишини эса, ҳаммамиз яхши биламиз.
— Ҳар қандай аломат, белги бугун сиз учун бир кўрсат-
ма вазифасини ўтайди. Бугун инсонлардаги ўта зўр қоби-
лият юзага чиқиши, тушлар башоратли бўлиши мумкин.
Никоҳ тўйлари, зеб-зийнатлар тақиш, саёхатлар, янги
уйга кириш, транспорт воситалари билан, юқори нуфуз-
ли кишилар билан боғлиқ ишлар хайрли бўлади.

Бош, мия, кўзлар ва эшитиш аъзолари бугун заиф-
лашган ҳолатда бўлади. Бод касаллиги зўрайиши, ра-
дикулит ўзини эслатиши кўтилади. Жарроҳлик операци-
яларини кечиктириб турган маъқул. Ўпка ва нафас йўлла-
ридаги муолажалар муваффақиятли бўлади. Саунага ту-
шиш, ҳаммомнинг бугунасида ўтириш, сув билан боғ-
лиқ бошқа муолажалар тавсия этилади. Ўзингизни то-
лиқтирманг.

Қоронгу, безовта тушлар кўришингиз мумкин. Уларда
ҳақиқат бор. Лекин бу ҳақиқат нималарда намоён бўли-
шини фақат бир неча ҳафта, ҳатто ойлардан кейин би-
лишингиз мумкин бўлади.

Футбол

ҒАЛАБА ҲАМ ЁРДАМ БЕРМАДИ

КЕЧА «МХСК» СТАДИОНИГА ЙИГИЛГАН МИНГЛАБ МУХЛИСЛАР
ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ЯРИМ ФИНАЛИНИНГ
«БҮНЁДКОР» — «АДЕЛАИДА ЮНАЙТЕД» ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ
ЖАВОБ УЧРАШУВИГА ГУВОҲ БЎЛИШДИ.

Мухлисларга маълумки, Австралияда ўтказилган дастлабки баҳсда майдон эгалари
3:0 ҳисобида зафар кучишган эди. Шу босими, кўпчилик Тошкентдаги учрашув
муросасиз кечади ва «Бунёдкор» жамоаси ўз мақсадига эришади, деб умид қилган
эди.

Дарҳақиқат, ўйин тошкентликларнинг устунлигида ўтди. Меҳмонлар дарвозаси
томон Зико шогирдлари кўп марта хавфли ҳужумлар уюштиришди. Аммо, футболчи-
ларимиз кўпгина қулай вазиятлардан самарали фойдалана олишмади. Фақат ёш
ҳужумчи Баҳодир Пардаев томонидан киритилган ягона гол эвазига меҳмонлар ғала-
ба қозонишди. Гарчи учрашув 1:0 ҳисобида ҳамшаҳарларимиз ютуғи билан яқунлан-
ган бўлсада, икки ўйин натижасига кўра австралияликлар Осий чемпионлар лигаси
финалида ўйнаш ҳуқуқини кўлга киритишди.

МУХЛИСЛАР КУТМАГАН НАТИЖА

МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 24-ТУР
БЕЛЛАШУВЛАРИ ФУТБОЛ МУХЛИСЛАРИ УЧУН КУТИЛМАГАН
НАТИЖАНИ ТАКДИМ ЭТДИ.

Гап шундаки, турнир жадвалида карвонбошилиқ қилаётган «Бунёдкор»ни изма-
из қувиб келаётган, жорий йилда ҳам чемпионликка асосий даввогар ҳисобланган
«Пахтакор» жамоаси ушбу турда Бекободда «Металлург» командаси билан куч си-
нашди ва муросасиз, шиддатли курашлар остида ўтган учрашувда 1:2 ҳисобидаги
дастлабки мағлубият аламини тотиб кўришга мажбур бўлди. Дарвозаларга тўпларни
«Металлург»дан — Собелев, Галеевич, «Пахтакор»дан — Тожиевлар йўллашди.

Ўз майдонларида Олмаликнинг «ОТМК» жамоаси билан куч синашган турнир
пешқадами «Бунёдкор» командаси футболчиларига меҳмонларни энгши осон ке-
мади. Чунки олмалиқлик чарм тўп усталари ҳам пешқадамга муносиб қаршилик
кўрсатишди, кўп вазиятларда меҳмонлар дарвозаси томон хавфли ҳужумлар уюшти-
риб туришди, фақат юзага келган имкониятлардан самарали фойдалана олишмади.
Хуллас тезкор, ҳужумкор ўтган баҳсда Анваржон Солиев томонидан дарвозага ки-
ритилган ягона гол «Бунёдкор»га 1:0 ҳисобидаги ғалабани ва муҳим уч очкони
тухфа этди.

Ушбу ғалабадан сўнг Зико шогирдлари «Пахтакор»дан 7 очкога ўзиб кетишди.
Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум» — «Бухоро»
— 1:0, «Андижон» — «Насаф» — 3:1, «Навбахор» — «Сўғдиёна» — 1:1, «Машъал» —
«Нефчи» — 3:1, «Шўртан» — «ЎзДонЖу» — 4:1, «Локомотив» — «Динамо» — 1:2.

Мамлакат XVII миллий чемпионатининг 25-тур беллашувлари 25 октябрда бўлиб
ўтади.

Кикбоксинг

НЕАПОЛДАН ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

ИТАЛИЯНИНГ НЕАПОЛЬ ШАҲРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА КИКБОКСИНГ
БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ВАТАНИМИЗ
ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ ТОШКЕНТГА ЁРУФ ЮЗ
БИЛАН ҚАЙТИШДИ.

Гап шундаки, дунёнинг 54 мамлакатидан келган 700 нафардан зиёд спортчи қат-
нашган ушбу нуфузли турнирда ҳамшаҳаримиз Жамол Салимжонов кумуш медал
эгасига айланган бўлса, бошқа вакилларимиз Аббосхон Иброҳимов ва Бехзодбек
Маҳаматоваларга бронза медаллари насиб этди.

Шунингдек, Нодир Эрназаров «Энг яхши техник усул соҳиби», Фуломиддин Сайди-
аҳмедов «Энг яхши ҳакам», Абдулла Кўчмуродов эса «Энг яхши мураббий» номинаци-
ялари бўйича ғолиб бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ЗАСТУРИ ДОИРСИДА «ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ ВА ЗАМОН» МАВЗУСИДА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИГА БИР НАЗАР

Амир Темур ва темурийлар
даври тарихига оид илмий та-
дқиқотлар юзасидан ўзаро
фикр алмашилган тадбирда
олий таълим муассасалари
профессор-ўқитувчилари ва
талабалар иштирок этди.

Юртимизда жисмонан ва
маънан баркамол авлодни
тарбиялашга алоҳида эътибор
қаратилмоқда. Улғ аждодла-
римиз қолдирган бой, илмий-
маънавий меросни асраб-
авайлаш, ўрганиш, ёшлар он-
га миллий ўзлигимиз, та-
рихимизга ҳурмат ҳиссини
сингдириш бугуннинг дол-
зарб вазифаларидан ҳисоб-
ланади. Бунда айниқса, со-
ҳибқирон Амир Темур ва те-
мурийлар даври тарихини та-
дқиқ этиш, мазкур даврда
яшаб ижод қилган буюк сий-
молар ҳаёти ва ижоди ҳақида

батафсил маълумотга эга
бўлиш жуда муҳим. Тадбир-
да ушбу жиҳатларга алоҳида
эътибор қаратилди.

Шунингдек, анжуманда
Тошкент Ислом университети,
Тошкент Давлат Шарқшу-
нослик институти ҳамда Ўзбе-
кистон Миллий университети
таҳсил олаётган тарихчи-
тада тахсил олаётган тарихчи-
тада магистрантларнинг мавзу-
га оид маърузалари тинлан-
ди. Тадбир доирасида ишти-
рокчилар учун музей залла-
ри бўйлаб саёхат уюштирил-
ди. Тошкент шаҳрининг 2200
йиллиги ва «Ёшлар йили»га
бағишланган «Эзма мерос
намуналари», «Шарқ дурдо-
налари», «Ўзбекистон кўҳна
шаҳарлари тарихини» каби
кўргазмалар билан яқиндан
танишишди.

«Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ «БИЗНЕС МАКТАБИ» ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31
октябрдаги №ПҚ-213- сонли «Ўзбекистон Республикаси
Қуролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаёт-
ган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қаро-
рида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш
мақсадида, Тошкент Молия институтида мuddатли ҳарбий
хизматни ўтаган ёшларни олий ўқув юртларига киришга тай-
ёрлаш юзасидан математика, она тили ва чет тиллари фан-
лари бўйича бепул махсус курслар ташқил қилинмоқда.

Бундан ташқари тўлов асосида абитуриентларни олий
ўқув юртларига тайёрлаш курслари, бухгалтерия, компь-
ютер, чет тилларини ўрганиш курсларини ташқил қилиш
режалаштирилмоқда. Тўлов микдори келишув асосида бел-
гиланади. Курсларни тугатган шахсларга махсус гувоҳно-
малар берилади. Мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳар-
бий хизматчилар ҳамда махсус курсларда ўз билиминини
оширишни истовчи шахслар Тошкент Молия институти-
нинг «Бизнес мактаби»га мурожаат қилиши мумкин.

Маълумот учун телефон: 246-58-32

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба
ва якшанбадан ташқари ҳар кун
соат 9.00 дан 16.00 гача қабул
қилинади. Маълумотлар учун теле-
фон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-
21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

«Toshkent metropoliteni» ДУК
умумий майдони 9066 м², «Toshkent
metropoliteni» 1050 м²га тенг 2 та ан-
гарли омборхона ва офис биноларини
ижарага беради.

Манзил: Тошкент ш, Ҳамза тумани,
Сувбўйи — Кўприкли кўчалари.
Маълумот учун тел: 239-89-27



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 906

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилган.
3298 нусxada босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва сақланган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.